

Ўзбекистонда 10 йилга мўлжалланган электр энергияси билан таъминлаш стратегияси қабул қилинди



Ҳукуматимиз томонидан “2020 – 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергия билан таъминлаш концепцияси” қабул қилинди.

Ушбу стратегия халқаро экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан электр энергетикани ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборига асосан, жадал ривожланаётган аҳоли ва мамлакат иқтисодиётининг энергияга бўлган талабини қондириш мақсадида соҳани тубдан ислоҳ қилишга йўналтирилган.

Ўзбекистоннинг энергетика сектори ривожланиши илғор халқаро амалиётга мувофиқ давом этади ва қабул қилинган стратегия электр энергияси соҳасидаги мавжуд натижалар ва амалга оширилётган лойиҳаларга асосланган кенг кўламли, айти пайтда амалий ва эришиш мумкин бўлган мақсадларни кўзда тутди.

Стратегия 2020 йилдан 2030 йилгача бўлган даврга ўрта муддатли ва узоқ муддатли мақсадларни белгилайди ҳамда доимий таҳлил асосида заруриятга кўра таҳлил қилинади. Ҳужжатнинг стратегик мақсади – Ўзбекистон аҳолисини ва иқтисодиётини рақобатбардош нархлар асосида электр энергия билан таъминлаш, энг яхши жаҳон амалиётлари ва жаҳон электр энергетикасидаги замонавий тенденцияларни қамраб олувчи мувозанатланган энергетика секторни ривожлантиришдир.

Концепцияда қуйидагиларга йўналтирилган устувор йўналишлар кўзда тутилган: мавжуд электр станцияларини модернизация ва реконструкция қилиш, шунингдек электр энергия ишлаб чиқариш бўйича энергия самарадор технологиялардан фойдаланган ҳолда янги электр станцияларини қуриш; электр энергияси ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштириш; қайта тикланадиган, айниқса, қуёш энергияси манбаларини ривожлантириш; тариф сиёсатини

такомиллаштириш ва улгуржи бозорга чиқишни таъминлаш бўйича ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш.

2030 йилгача қуйидагиларни амалга ошириш режалаштирилган:

- Электр энергиясининг ўрнатилган қувватини 12,9 ГВт дан 29,3 ГВтгача, ишлаб чиқаришни эса 63,6 млрд кВт·с.дан 120,8 кВт·с.гача кўпайтириш;
- электр энергиясини ишлаб чиқаришдаги табиий газ сарфини 16,5 млрд кубометрдан 12,1 млрд кубометргача қисқартириш;
- электр энергияни узатишда йўқотишларни 2,35% га, ва уни тақсимлашда – 6,5% га камайтириш (2019 йилдаги даражани 1,85 маротаба камайтириш).

Қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришда ҳозирги пайтда электр энергияси тақчил бўлган ҳудудларни энергия таъминотини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади. Қайта тикланадиган энергия манбалари экологик муҳитни, инфратузилмани яхшилашга, маҳаллий sanoat тармоқлари унумдорлигини ошириш ва уларни рағбатлантиришга ва янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади. Ушбу соҳада қайта тикланувчи энергия манбаларининг жадал ривожланишини таъминлаш мақсадида ушбу соҳада давлат-хусусий шерикчилигини кенг қўллаш чоралари белгиланди.

Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: <https://minenergy.uz/ru/lists/view/77> .

Манба